

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1062-ҳадис**

1062 – وَعَنْ عُثْمَانَ بْنِ عَقَّانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ:

«مَا مِنْ أَمْرٍ مُسْلِمٍ تَحْضُرُهُ صَلَاةٌ مَكْتُوبَةٌ فَيُحْسِنُ وُضُوءَهَا وَخُشُوعَهَا وَزُكُوعَهَا إِلَّا كَانَتْ كَفَّارَةً لِمَا قَبْلَهَا مِنَ الذُّنُوبِ مَا لَمْ تَكُنْ كَبِيرَةً، وَذَلِكَ الدَّهْرُ كُلُّهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [228].

1062. Усмон ибн Аффон розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитганман: «Қайси бир мусулмон кишига фарз намоз (вақти) келса-ю, унинг таҳоратини, хушуъ ва рукуъсини яхшилаб адо этса, ўзидан олдинги гуноҳларга каффорат бўлади. Модомики гуноҳи кабира қилмаган бўлса. Бу ҳар доим шундайдир».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Бу ҳадис ҳам ўзидан олдинги ҳадиснинг маъносини таъкидлаб келмоқда. Бироз фарқи гуноҳлар кечирилиши учун намозни яхшилаб қилинган таҳорат билан хушуъини ва рукуъини жойига қўйиб, ўқишни шарт қилиб қўймоқда.

Намознинг хушуъи дейилганида уни сергаклик билан Аллоҳдан қўрқувни тўла ҳис қилган ҳолда ўқиш тушунилади.

Намознинг рукуъи дейилганида эса, қиёмда туриш, рукуъ қилиш, сажда қилиш, ўтириш каби амаллар тушунилади.

Бу ҳадисда ўтган ҳадисга қўшимча тарзда, ушбу фарз намозлар ўзидан олдинги гуноҳларга каффарот бўлиши доимий эканлиги айтилмоқда.

Кишининг катта зино, арақ ичиш каби Аллоҳнинг ҳақиқага боғлиқ гуноҳлар бўлса, фақат ихлос билан қилинган тавба билангина ювилади. Аммо: етимнинг молини ейиш, рибохўрлик, бировнинг обрўсини тўқишлик каби бандалар ҳақиқага боғлиқ катта гуноҳлар бўлса, ўша ҳақларни ўз эгасига

қайтарилмагунича ва уларнинг розилиги, кечириши олинмагунча ювилмайди.

Мана шулардан келиб чиқиб, фарз намозларимизни ўз вақтида пухта таҳорат билан, хушуъ ва рукуъларини жойига қўйиб ўқиб юрмоғимиз керак. Катта гуноҳларга эса умуман яқин келмаслигимиз лозим.

Манба: hadis.islom.uz

